# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

даги кўмагини ҳам халқимиз ҳеч қачон унутмайди, Лекин, шу билан бирга, танлаган ўзига хос йўлдан қайтмайди, ҳеч кимнинг кўрсатмаси билан иш тутмайди. Жаҳондаги ҳар қандай давлат билан — унинг мавқеи ва бизга нисбатан муносабатидан қатъи назар — фақат тенгма-тенг ҳамкорлик қилиш, ўзаро манфаатдорлик йўлидан боради.

Республикамиз Президенти Анқарадаги учрашувларда бу фикрларни очиқ айтди. Ислом Каримовнинг Сулаймон Демирэл билан юзма-юз суҳбатидан, икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари иштирокидаги мулоқотдан, Президентимиз Тансу Чиллерни қабул қилганидан, туркиялик йирик сармоядорлар, ишбилармонлар билан суҳбатидан кейинги самара, айтиш мумкинки, асосий хулоса шу бўлдики, уларда Ўзбекистонга, ўзбек халқига нисбатан фикр, қараш тубдан ўзгарди. Ўзбекистон — беҳисоб бойликлар макони, бу ерда ҳар қандай катта сармоядор ва ишбилармон ҳамкорлик қилиши учун барча имкониятлар мавжудлигига тўла ишонч пайдо бўлди. Бугина эмас, улар ўзбек халқи ғоят бой ва қадимий меросга эга экани, фақат моддий томондан эмас, балки маънавий ва маданий бойликлари жиҳатидан ҳам унча-мунча мамлакатдан қолишмаслиги, ўзбек халқида миллий ғурур, ўз қадрини билиш кучлилиги, халқаро миқёсда Ўзбекистон обрў-эътибори, нуфузи бекорга ошиб бормаётгани тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлдилар. Ислом Каримов қабулида бўлган «Буюк ипак йўли» ўзбек-турк ҳиссадорлик жамияти «Кўч холдинг», «Чуқурова холдинг», «Сабанжи холдинг» каби бир неча энг йирик, катта сармояга эга бўлган компаниянинг раҳбарлари Ўзбекистонга келишга, ҳамкорлик қилишга қизиқиб қолдилар. Улар Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд сингари вилоятларда турли қўшма корхоналар қуриш истагини билдирдилар.

Ўзбекистонда атиги икки йил давомида нечоғлик улкан ишлар амалга оширганини буни Туркия раҳбарияти ҳам эътироф этганини Сулаймон Демирэлнинг қуйидаги гаплари тасдиқлаб турибди: «Бугунги учрашув ғоят вақтида ва фойдали бўлди. Биз ўзимиз учун кўп нарсани билиб олдик. Ўзбекистон кейинги юз йил мобайнида қанча ютуққа эришган бўлса мустақилликнинг дастлабки ўн йилида ундан юз баравар, балки ундан-да кўпроқ ютуқларга эришади. Мен бунга ишонаман. Чунки истиқлолга эришгандан сўнг ўтган тарихан ғоят қисқа — атиги икки ярим йил ичида амалга оширилган ишлар, ютуқлар бунга тўла асос бўлади. ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ — ИККИ БУЮК ДАВЛАТ. Бу давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада мангу бўлишини истайман ва биз бунга ҳаракат қиламиз».

Бу сўзлар республикамизнинг моддий ва маънавий бойликларига, унинг юртбошиси олиб бораётган бугунги ички ва ташқи сиёсатга, Ўзбекистон яқин келажакда албатта буюк давлатлар сафидан муносиб жой олишига ишончдан бир далолатдир.

Менимча, Президентимизнинг Туркияга ташрифининг энг катта натижаси ана шунда. Бинобарин, бундай фикрни эшитиш ҳар бир ўзбекнинг қалбини ифтихор туйғулари билан тўлдиради...

Ташриф давомида икки давлат Президентлари мулоқотларининг самараси сифатида бир неча ҳужжат имзоланди. Булар — икки Президентнинг қўшма баёноти, фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги битим, консуллик конвенцияси, ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, ҳаво йўллари ҳақидаги битимдир. Ҳужжатларни Президентлар Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл, ташқи ишлар вазирлари С. Саидқосимов ва Х. Четин, Ўзбекистон адлия вазири А. Мардиев ва Туркия адолат вазири С. Оқтой, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бош директори Ғ. Рафиқов ва Туркия транспорт вазири М. Кўзтапан имзоладилар. Мазкур ҳужжатлар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги поғонага кўтарилишида муҳим асос бўлишига ҳар икки тараф вакиллари юксак ишонч билдирдилар. Турк халқининг буюк доҳийси Мустафо Камол Отатурк хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Унинг қабрига гулчамбар қўйди. Мемориал комплекс музейининг фахрий меҳмонлар китобига дил сўзларини ёзди.

Сафар давомида мен бир ҳолга алоҳида эътибор бердим. Туркиялик ишбилармонлар, сармоядорлар, турли компания ва фирмалар раҳбарлари Президентимиз билан учрашишга, суҳбатлашишга орзуманд эканликларини изҳор этдилар. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашиш учун Ислом Каримовнинг имконияти йўқ, албатта. Аммо Президентимиз бунинг иложини топди. Ташриф дастурига киритилмаган бўлсада, туркиялик ишбилармонлар, фирма ва компаниялар раҳбарлари билан қисқа учрашувга рози бўлди. Учрашув ўтган залга тўпланганлар Президентимиз келишини ғоят сабрсизлик билан кутишганининг гувоҳи бўлдик. Бу учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг потенциали, хорижий ишбилармонлар, сармоядорлар учун яратилган шароит ҳақида лўнда қилиб тушунтириб берди.

Туркия сафари ҳақидаги таассуротларимизни Сулаймон Демирэл томонидан олий даражадаги меҳмон шарафига уюштирилган зиёфатда Ислом Каримов айтган қуйидаги сўзлар билан якунлашни лозим топдик:

— Биз қардош Туркия билан бир-икки кунлик ёки бир-икки йиллик алоқа қилиш ниятидан йироқмиз. Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги бир умрлик бўлишини истаймиз. Зотан, Туркиянинг ютуғи — Ўзбекистон ютуғи, Ўзбекистон тараққиёти — Туркия тараққиётидир. Муносабатларимиз, ҳамкорлигимиз ана шу нуқтаи назардан амалга оширилиши тарафдоримиз. Демак, ҳамма соҳадаги ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатдорлик асосига қурилмоғи зарур.

Қисқаси Президентимизнинг бу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни барча соҳалар бўйича янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ.

Президентнинг Туркия Республикасига қилган давлат ташрифига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М. Усмонов, М. Қорабоев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, адлия вазири А. Мардиев, алоқа вазири К. Раҳимов, миллий банк бошқаруви раиси Р. Азимов, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Ғ. Рафиқов, Президентнинг матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ҳамроҳлик қилдилар.

Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон давлат делегацияси 24 июнь тунда Тошкентга қайтиб келди.

**М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.**
**(ЎзА).**

# ЭЛ МАНФААТИ— ФАОЛИЯТИМИЗ АСОСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

йўналишини аниқлаб олдик. Булар — истеъмол бозорини сифатли моллар билан тўлдириш, пул муомаласи, молия тизимини тартибга солиш ҳамда мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтира боришдан иборат.

Йиғилишда янги пул жорий этилиши осон кўчиши учун тушунтириш ишларини янада кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди. Маълумки, жаҳон тажрибасида янги валютага ўтишнинг дастлабки пайтида фуқароларда беҳаловатлик, таҳлика зоҳир бўлиши кузатилган. Янги пул барқарорлашгач, бу ҳолат тезда ўтиб кетади. Ислом Каримов мамлакатимизда бу даврнинг ғоят қисқа кечишини таъминлашга эришиш зарурлигини таъкидлади. Ана шу сабабли бозордаги нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасига тушиб олган баъзи олибсотар ва чайқовчиларнинг фаолиятига ҳуқуқий баҳо бериш, уларнинг пайини қирқиш лозимлигини уқтирди.

Бозор иқтисодиёти савдо тизимига эркинлик берилишини, унинг хусусийлаштирилишини тақозо этади, деди жумладан Президент. Шу боис, биз бу соҳага қулай имкониятлар яратиб бердик. Ишлаб чиқариш, савдо хизматини яхшилаш борасида талай ишлар қилинди. Буларнинг бари истеъмолчи, яъни мамлакатимиз фуқароларига яратилган қулайликлардир. Бироқ, бу эркинликдан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, олибсотарлик йўлига ўтиб олган баъзи нопок кимсалар дўконлардаги маҳсулотларни олиб, уларни бир неча карра қимматига пуллаш, шу йўл билан текин даромад топишга уринмоқдалар. Бунинг оқибатида дўконларда сотилиши лозим бўлган моллар ўша «чаққон»лар қўлига ўтиб кетяпти. Бунга ортиқ тоқат қилиб бўлмайди. Чунки, бу ерда оддий меҳнаткашнинг, истеъмолчининг манфаатларига катта зиён етказиляпти.

Кўчаларда ёш-ёш болалар олибсотарлик билан шуғулланаётгани ғоят ачинарлидир. Бу ёшлар ўзларининг маънавий камолини ўйлаши лозим бўлган бир пайтда ана шу ишлар билан машғулдирлар. Бунга табиий ҳол деб қараш маънавиятимизга катта зарар етказиши ҳеч гап эмас. Ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла қўмиталари фаолияти орқали бундай кўнгилсиз ҳолларнинг олдини олишга эришиш даркор.

Айрим шахслар тегишли ҳужжатсиз, давлат санитария идораси рухсатисиз сифати ноаён озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланмоқда. Бу фуқароларимиз соғлигини хавф остига қўяётир. Йиғилишда шу ўринда Давлат солиқ қўмитаси ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётгани таъкидлаб ўтилди. Ваҳолонки, бу қўмита ўз ишини амалга ошириш учун етарли ваколатларга эгадир.

Бозорларда ҳақиқий деҳқоннинг савдо қилишига йўл қўймаётган, у етиштирган маҳсулотларни арзон-гаровга сотиб олиб, бозорни атайин қимматлаштиришдан манфаатдор гуруҳлар пайдо бўлмоқда. Айрим маҳаллий ҳокимликлар, бозор қўмиталари бундай салбий ҳолга панжа орасидан қараб келяптилар.

Ислом Каримов юқорида қайд этилган вазиятни ўнглаш учун бозор қўмиталари ва Давлат солиқ қўмиталари ишини зудлик билан яхшилаш лозимлигини таъкидлади. Уларнинг фаолиятларини уйғунлаштириш, керак бўлса, бу ишга милиция органлари ходимларини жалб этиш зарурлигини уқтирди. Мазкур масалага ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш, амалдаги қонунчиликдан чекиниш ҳолларига йўл қўймасликка даъват этди.

Бозор — ҳаётимиз кўзгуси бўлиб қолиши керак. Биз бозорга бефарқ қаролмаслигимизнинг боиси шундаки, фуқароларимиз маошларининг кўп қисмини шу ерда сарфлаяптилар, деди Президент. Айрим фуқароларимиз бизга нархларни эркин қўйиб юбориш мақсадга мувофиқ эмаслигини маслаҳат бериб мактуб ёзяптилар. Мен уларнинг ташвишини тушунаман. Дарҳақиқат, бозорни сифатли моллар билан тўлдирмасдан, ишлаб чиқаришда рақобатни қарор топтирмасдан бу ишни қилиш хатарли. Бироқ, биз бозор иқтисодиётини танладикми, нархларни эркинлаштиришга мажбурмиз, охир-оқибатда шунга келамиз. Бусиз маҳсулот мўл-кўллигига, фуқароларимиз ҳаётининг фаровонлашувига эришиб бўлмайди. Аммо, шуни унутмаслик кераккки, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бозорни ўз ҳолига ташлаб қўйишни англатмайди. Биз Давлат солиқ қўмитаси ва бозор қўмиталари ёрдамида уни назорат қилиб, бу ерда тартиб ўрнатишимиз керак. Ислоҳотни амалга оширишда давлат ташаббускор бўлар экан, у ислоҳотнинг муваффақиятини таъминлашга масъулдир.

Йиғилишда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа вилоятларида яхна ичимликлар билан савдо қилишдаги нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Айниқса, ёз мавсумида эҳтиёж юқори бўлган бу каби маҳсулотларни аҳолига етказиб бериш, уларнинг олибсотарлар қўлига ўтиб кетмаслиги чораларини кўриш лозимлиги уқтирилди. Бунинг учун ихтисослаштирилган дўконлар тармоғини кенгайтириш, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ушбу муаммони ҳал этадиган қўшма корхона қуриш, мавжуд корхоналар цехларини кенгайтириш имкониятлари ўрганилиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ўзбексавдо», «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзбекбирлашув», республика Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотларга бу борадаги камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш чора-тадбирларини кўриш, турли йўллар билан шахсий бойлик орттириш пайида ислоҳотга тўсиқ бўлаётган айрим нопок гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ахборот берди. Шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, айрим вилоят ҳокимликлари ва бошқа алоқадор ташкилот раҳбарларининг жойлардаги аҳвол тўғрисидаги қисқача ахбороти тингланди. Тегишли комиссияга кўрилган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаш вазифаси топширилди.

Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов ва Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**(ЎзА).**



# «ҚАНИ ЭДИ, ШАРИФАДАЙ БЎЛА ОЛСАНГ...»

## «ҲАМШИРА-94»

**Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган «Ҳамшира-94» танловида Тошкент вилоятининг туман ва шаҳарларидан келган ҳамширалар ўз касбларининг нечоғлик устаси эканлигини намойиш этишди. Танловда қизлар тўрт шарт бўйича ўзаро беллашдилар.**

Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳозирги куни ва тарихи ҳақидаги саволларга ҳамширалар олган билимларига ёндашган ҳолда жавоб беришди. Оила мавзусидаги, касбига дахлдор саволларга эса ҳар бир иштирокчи ўз дилидаги мулоҳазани айтиб, томошабинларни хушнуд қилдилар. Охирги — эркин мавзуда ҳар ким ўз иқтидорини намойиш этди. Бу тадбир ёшларнинг бугунги маънавий интилишларини, камолотини ўзида намоён этибгина қолмай, бўш вақтларни ижтимоий фойдали тарзда ўтишига имкон туғдираётир. Ёшлар Иттифоқи Паркент туман қўмитасининг иккинчи котиби Миркомил Комиловнинг айтишича, улар ҳокимият билан шартномалар тузишган ва иложи борича ёшларни бўш вақтларда жамоат ишларига сафарбар этиш, турли мавзулардаги учрашувлар ўтказишга ҳаракат қилишаётир.

— 1992 йил биз туман марказий касалхонасининг бош шифокори билан биргаликда ушбу танлов режасини тузиб чиққан эдик,— дейди у, — шу аснода «Ҳамшира-92» танлови бўлиб ўтган.

«Ҳамшира-94» кўрик-танловига вилоят соғлиқни сақлаш ва маданият бошқармалари, ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси, Тошкент тумани ҳокимлиги, туман маиший хизмат кўрсатиш бўлими, Ғ. Умаров жамоа хўжалиги, «Парвоз» ва «Ал-Аббос» хусусий фирмалари ҳомийлик қилишди.

Бўкалик ҳамшира Шарифа Мирраимованинг «Аёл қалби» қўшиғи, Тошкент туманидан ҳамшира Гулнора Муҳаммаджонованинг «Мустаҳзод» рақси барчани хушнуд этди.

Танлов ниҳоясига етди. Табиийки, кимдир ғолиб бўлади, кимдир...

Тошкент тумани ҳокими Рустам Акбаров қизларга бир хил ҳонатлас совға қилиб, уларнинг барчасига «беш» баҳо қўйиб, кўнгилларга илиқлик бахш этди.

Биз кўрик-танлов сўнггида ғолиб бўлмиш Бўка туман марказий касалхонасининг юқумли касалликларни даволаш бўлими ҳамшираси Шарифа Мирраимова билан суҳбатлашдик.

— Тарихий мавзудаги саволларга жавоб беришда кўп изланишга тўғри келди, — деди у. — Шу баҳона мен миллий тарихимизни, урф-одатларимизни ўзлаштириб олдим. Касбимни жуда яхши кўраман. Айни пайтда қўшиқ куйлашни ёқтираман. Уйда ҳаммамиз мусиқа асбобларини чаламиз. Опам маданият уйида ишлагани учунми, тез-тез у ерга бориб қўшиқ айтишни машқ қилиб тураман. Баъзан шеър ҳам ёзаман...

Ҳа, Шарифа ўз мақсадига эришди: касбига бўлган меҳрини яна бир бор намойиш эта олди. Қани энди, ҳар бир ҳамширамиз Шарифа каби интилувчан бўлса...

**Гулзода ХУСНИЕВА.**

# ЭГАСИЗЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА!

*ёки бозор болалари ҳақида*

**● ФАРҲОД БОЗОРИДА НИМА ГАП?**
**● ПУЛТОПАР БОЛАЛАР.**
**● ТАРТИБНИ КИМ ЎРНАТАДИ? БОЗОРҚЎММИ? Ё...**

Агар бирор халқни билмоқчи бўлсанг, аввало унинг бозорини бориб кўр, деб бекорга айтмаган ота-боболаримиз. Чунки бозор ўша халқнинг турмуш тарзини, маданиятини шундоққина белгилаб беради. Айниқса, ҳозирги иқтисодий танглик, пул муомиласи ўзгараётган бир пайтда бозорларимизнинг нечоғлик мўл-кўллиги, улардаги тартиб-қоида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг миллий валютамизни муомилага киритиш юзасидан ўтказилган навбатдаги йиғилишида сўзга чиқиб, бозорлардаги тартибсизликлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки бозор юқорида таъкидлаганимиздагидек, халқимизнинг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади.

Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида халқнинг оғзига тушган Чорсу, Олой, Фарҳод каби ўнлаб бозорлар мавжуд. Хўш, уларда аҳвол қандай? Биз буни биргина Фарҳод бозори мисолида кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Дастлаб бозор расталарини айландик. Расталар ёз ноз-неъматлари билан тўлиқ. Лекин бозордаги бир хил маҳсулотнинг нархи турлича эканлиги кишини ажаблантиради. Бир жойда 1 килограмм узум 12 минг сўм бўлса, бозорнинг бошқа бир жойида 25 минг сўм деб туришибди. Биргина узум эмас, бошқа маҳсулотлар ҳам хоҳлаган нархда сотилмоқда. Бу — бозор. Аммо ким деҳқон, ким чайқовчи эканини нархлардан дарҳол билса бўлади. Деҳқон маҳсулотини тезроқ сотиб кетишни истайди. Чайқовчининг эса мақсади бошқа. Гўё бозор эгасиздек. Айниқса, эътиборимизни бозор ўртасига мева-чевани ювиш учун ўрнатилган жўмраклардан оқиб тушаётган сув тортди. Юз-қўлни, меваларни ювиш мақсадида навбат кутиб турган кишилар анчагина. Буниси майли-ку, бетон ҳовузчага мева-чева ва турли чиқиндилар тушавериб, ёқимсиз ҳид анқимоқда. Ёзнинг жазирама иссиғида ташналикка чидай олмаётганлар тўғридан-тўғри жўмракларга оғиз қўйиб, сув ичишмоқда. Биз бу билан бозорга кирган кишиларни айбламоқчи эмасмиз, асло. Бозор ичкарисида ичимлик сув ёки сув берадиган автоматлар камлиги боис оддий фуқаро мева-чева ювиладиган жўмракдан сув ичишга мажбур. Бозор ичкарисида ёки ён атрофдаги дўконларда шиша ёки елим шишаларга солинган чанқовбосди сувлар йўқ. Қайси дўконга назар солманг, бир хил маҳсулот. У ҳам узоқ муддат тураверіб, ўз сифатини йўқотган.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, бозорда ҳали вояга етмаган болалар турли хил маҳсулотларни сотаётганликлари бизни ажаблантирди. Бу яхшилик аломатими, ё?... Албатта, болаларнинг турмуш икир-чикирларидан хабардор бўлиб тургани яхши. Аммо бу уларнинг илм олишига, ўқиб-ўрганишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мавкур бозорда акаси ёки ота-онасининг ўрнига савдо-сотиқ қилиб турган анчагина ўқувчиларни учратдик.

— Нечанчи синфда ўқийсан? — сўрадик қоғоз ва бошқа хил пакетларни сотиб ўтирган йигитчадан.

— 5-синфда.

— Исминг нима?

— Музаффар.

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Қаёқдан билай, отаонам нима дейишса, шу-да.

Шунингдек, Чакмон маҳалласидан Шавкат исмли йигитча акасининг ўрнида ҳеч қандай ҳужжатсиз гўшт сотмоқда!

— Бирор киши сенга танбеҳ бермайдими? — сўраймиз ундан.

— Менга ким танбеҳ бериши мумкин, 10—15 кундан буён турибману...

Қизиғи шундаки, ёшликдан савдо-сотиққа ружу қўйган, ҳаётни қизиғини фақат пул топишда дегучи ёш йигит-қизлардан нима ҳам кутиш мумкин. Биз эса уларни мустақиллигимиз пойдеворини яратувчилар деб юксак баҳолаймиз. Тўғри, ҳамма ёшларимиз ҳам шунақа бесамара ишлар билан шуғулланмайди.

Бозор айланиб дўкон ва магазинларда кам учрайдиган сариёғ ва маргаринни очиқдан-очиқ пуллаётган Шуҳрат Қосимов деган шахс билан суҳбатлашдик.

— Бу камёб маҳсулотни дўконда эмас, бозорда сотишга ким рухсат берди? — сўраймиз ундан.

— ...

— Неча пулдан сотаяпсиз?

— Сариёғнинг бир килограммини 28 минг сўмдан, маргаринни эса 12 минг сўмдан.

Куппа-кундуз куни очиқчасига аҳоли эҳтиёжи учун ниҳоятда керакли бўлган маҳсулот устама нарх билан пулланаётганлигига ҳайрон бўлдик. Гўёки, бу ерда на бозор маъмурияти, на солиқ назорати ходимлари йўқдек. Бундан ташқари, Президентимиз И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида хусусан шу масала юзасидан фикр-мулоҳаза юритди-ку! Тўғриси, Фарҳод бозорини айланиб, бирор ибратли ишдан қониқиш ҳосил қилмадик. Бозорнинг санитария ҳолати қониқарсиз. Ҳамма жойда мева-чева қолдиқлари. Расталар тагида турли қоғозлар, сигарет парчалари мижиқлаб ташланган.

Бу ҳақда бозор маҳсулотлари сифати бўйича масъул шахс Тўлқин Шодибековга айтганимизда, у камчиликларимиз бор, тезда тузатамиз, дейишдан нарига ўтмади.

Охири, тоқатимиз тоқ бўлиб, бозор директори Қудрат Муродхоновга мурожаат қилдик.

— Тўғри, бозоримизда камчиликлар йўқ эмас, — дея гап бошлади у. — Лекин, шаҳардаги бошқа бозорларга нисбатан бизда тартиб яхши. Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ходимлари ва шахсан ҳокимнинг ўзлари бозор иши билан мунтазам қизиқиб туришади. Керак бўлганда амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

— Амалий ёрдам кўрсатишганларида аҳвол бунчалик ташвишли бўлмасди?

— Тўғри, нуқсонларни тан оламиз, уни бартараф этамиз.

— Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишида куйинчаклик билан айтган гапларидан хабарингиз борми? — сўраймиз ундан.

— Хабарим бор. Ҳатто шу асосида жамоамизнинг умумий йиғилишини ҳам ўтказиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олдик. Бугундан бошлаб, белгиланган тадбирлар асосида ишлаяпмиз.

— Нега олдиндан шундай иш тутмадингизлар?

— ?..

Хуллас, бозор директори билан узоқ мулоқотда бўлдик. Тезликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, режалар билан танишдик.

Ҳа, республикамиз пойтахтидаги Фарҳод бозорида шунча муаммо ҳукм сураётган бўлса, қолган вилоятлар, шаҳар ва туман бозорларидан қандай манзарани кутиш мумкин? Эгасизлик ҳам эви билан-да. Республикамиз Президенти иқтисодий тангликни бартараф этиш учун тинимсиз изланишлар олиб бораётган бир пайтда ҳар бир халқнинг кўзгуси ҳисобланган бозорлардаги тартибсизликнинг тезда олдини олиш керак.

Шарқ бозорининг довруғини бутун дунёда яхши билишади. Биз ўз мўл-кўлчилигимиз, бозорларимиздаги тартиб-қоида билан хорижликларга ибрат бўлишимиз керак. Шундагина Шарқ бозорининг жаҳонга юз тутиши, шон-шуҳрат қозониши осон бўлади.

**С. РАУПОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**
**А. САМАРИДДИНОВ.**
**Суратқаш К. ЎЛМАСОВ.**

**БОЗОР— ХАЛҚ КЎЗГУСИ**









